Маънавий жасорат соҳиби



Юртимиз жаҳон тамаддуни равнақига муносиб ҳисса қўшган юзлаб алломаларни етказиб берган муқаддас заминдир. Бу алломаларнинг қони бугунги авлодлар томирида жўшиб турибди.

Шунинг учун улар мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи йўлида турли соҳаларда жасорат кўрсатмоқдалар.

Муҳтарам юртбошимиз жасорат ҳакида фикр юритар эканлар, энг буюк жасорат - бу маънавий жасорат эканлигини таъкидлайдилар.

“Юрагида ана шундай жасорат ҳисси ниҳоятда кучли бўлган инсонлар ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам адолат ва ҳақиқат йўлида ўзини аямай, эл-юрт учун, Ватан учун қандай ибратли ишларни амалга оширганини кўриш мумкин.” - дейдилар.

Ана шундай жасорат соҳибларидан бири Республикамизнинг йирик тарихчи олими Рустамбек Шамсутдиновдир.

Рустамбек туғилиб кўз очган пайтда “катта катағон” фожеаси деярли хар бир хонадонда сезилиб турар, бу ваҳима унинг оиласини хам чулгаб олган, бунинг сабабларини мурғак қалб илғай олмас эди. Унинг ёшлиги ана шундай ваҳимали, алғов-далғовли йилларда ўтди. Урушнинг фожеали оқибатларига ҳам бевосита гувоҳ бўлди. Мактабда мамлакатнинг истиқболи ҳақида айтилаётган гаплар билан ўз кўзи билан кўраётган воқеаларнинг номувофиқ эканлигидан ҳайратланар, лекин бунинг сабабини сўрашга журъат килолмас, беихтиёр ваҳима босар эди.

Болалик йилларидаги ўша ғалат ва мудҳиш сирлар жумбоғини ечиш унинг бош мақсадига айланди, айни шу мақсад ўрта мактабни битиргандан сўнг уни Самарқанд давлат университетининг тарих факультетига етаклади.

Факультетни имтиёзли диплом билан битиргач, Мосқвага юл олди. Фанлар Академиясинингтарих института аспирантурасига кирди. Аспирантурани муваффақиятли тугатиб, тарих фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. Орадан кўп ўтмай академик Ю.А.Поляков илмий раҳбарлигида докторлик диссертациясини ҳам ҳимоя қилди.

Гарчи фан доктори илмий даражасини кўлга киритган бўлса ҳам, Р.Шамсутдинов қалбини бир армон кемирар эди. У ҳам бўлса ёшлигида ўз кўзи билан кўрган қанчадан-қанча оилаларнинг дод-фарёдлари сабабларини рўйи рост ёза олмаётгани, уни тарих фанига етаклаган мақсадни амалга ошира олмаётгани эди. Чунки собиқ империя даврида бу ҳақда ўйлаш ҳам киши қалбига даҳшат соларди.

Ниҳоят, Рустамбек кутган дамлар етиб келди. Ўзбекистан мустақилликни кўлга киритди. Унинг бутун орзу-армонлари ушалишига имконият яратилди. Ана шундай шароитда олимнинг “иккинчи нафаси” очилди.

Совет империяси даврида мажбуран қалам тебратган мавзуни йиғиштириб қўйиб, ёшлигидан ўйлаб юрган мавзуси буйича илмий тадқиқот ишлари олиб боришга киришиб кетди. Бу мавзулар унинг борлиғини шу даражада чулгаб олдики, кўпчиликнинг қўли ожизлик қиладиган собиқ империя ҳудудидаги турли махфий давлат архивларига ҳам йўл топди, шўронинг коллективлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари, 1937-38 йилларда юритилган “катағон” сиёсати юзасидан жуда катта материал тўплади.

Ўзбекистан Республикасидаги архив материалларидан ташқари, Мосқва, Киев, Одесса, Херсон, Голопристан, Остона, Караганда, Олма-ота, Кокчетов, Шортандин, Бишкек каби ўттиздан ортиқ давлат архивларида сақланаётган ҳужжатлар муаллифнинг сайъ-харакати билан қўлга киритилди.

Бу материалларни ўрганиш, объектив таҳлил қилиш асосида ўттиздан ортиқ монографик тадқиқотлари, рисолалари майдонга келди. Айниқса, «Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоклаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисоли)», «Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сийсати ва унинг фожеали оқибатлари»,

«Истиклол йўлида шаҳид кетганлар» каби ўнлаб монографиялари, уч жилдли «Ўрта Осиё қишлоғи фожеаси: коллективлаштириш, қулоқлаштириш, сургун. 1929-1956 йй.» ва кўп жилдли «Репрессия. 1937-1938 гг. ҳужжатлар ва материаллар» каби тарих манбашунослигига оид йирик ишлари, уч жиллик «Ватан тарихи» дарслиги кенг жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди. Бу китоблар Р.Шамсутдинов номини дунёга танитди. Республикамиз ва хориждаги тарихчи олимлар уларга юксак баҳо бердилар.

1994 йилда туркий дунё тарихчиларининг халқаро конгрессини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита аъзолигига сайланганлиги хам унинг дунё олимлари томонидан йирик тарихчи сифатида эътироф этилганининг исботидир. Ҳозирги кунда у Шимолий Королина (АКШ), Кембридж (Буюк Британия) халқаро биографик институтлари ҳайъат аъзоси ҳисобланади. 1997 йилда Оксфорд халкаро конгрессида катнашди ва Кембридж биографик Маркази томонидан эътироф этилган олим сифатида медаль билан тақдирланди, дунёнинг «омадли 500 киши» рўйхатидан жой олди.

Мосқва, Таллин, Рига, Лвов, Киев, Полтава, Боку, Душанбе, Ўш, Анқара, Деҳли каби шаҳарларда ташкил қилинган халқаро илмий анжуманларда ўз маърузалари билан иштирок этиб, Кембридж, Оксфорд, Шимолий Королина, Индиана, Мосқва, Бонн, Анқара, Деҳли, Мозори Шариф университетларининг таниқли олимлари билан илмий алоқалар ўрнатди.

Р.Шамсутдиновнинг илмий тадқиқот доираси фақат қишлоқ фожеаси ва қатағон қурбонларини ўрганиш билан чекланмайди. Унинг ижодида темурийлар, Бобур ва бобурийлар меросини ўрганиш ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Олим Бобур халқаро илмий экспедиция таркибида Эрон, Туркия, Сурия, Иордания, Саудия Арабистони, Бирлашган араб амирликлари, Покистон, Афғонистон сингари катор мамлакатларда илмий сафарда бўлди ва буюк аждодларимизнинг маънавий меросини ўрганиш, тарихий ҳақиқатни қайта тиклаш бўйича улкан ишларни амалга оширди.

Бу эса Р.Шамсутдиновнинг кенг қамровли, ташаббускор, йирик тарихчи олим эканлигидан далолат беради.

У катта илмий тадқиқот ишларини олиб бориш билан бирга, малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда хам ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда. Шу кунгача унинг раҳбарлигида ўндан ортиқ фан номзодлари ва фан докторлари етишиб чиқди.

Санаб ўтилган ишларнинг ҳаммаси Р.Шамсутдиновнинг фақат мустақиллик йилларидаги фидокорона меҳнати, истиқлол берган кўтаринки руҳ, кўтаринки кайфиятнинг маҳсулидир.

Юқоридаги асарларнинг барчаси ёшларимизни тарихимиздан ўринли сабоқ олишга, йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг такрорланишига йўл кўймасликка, истиқлолимизнинг тарихимиз, маънавий меросимиз, миллий қадриятларимизнинг тикланишида қанчалар катта рўл ўйнаётганини англаш руҳида тарбиялаш учун улкан хизмат қилиб келмоқда. Бу эса олимнинг қанчалик буюк жасорат соҳиби эканлигидан ёрқин гувоҳлик беради. Бугунги кунда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, тарих фанлари доктори, профессор Р.Шамсутдинов ўзининг қутлуғ ёшини катта ижодий режалар билан кутиб олмоқда. Биз шу эзгу режаларининг тўла амалга ошиши йўлида унга Аллоҳдан мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва катта оилавий бахт тилаб қоламиз.

Абдуҳамид Нурмонов
филология фанлари доктори, профессор